



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «15» июнь

VI-29-7-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Вилоятда инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳалари юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида**

2021-2022 йилларда умумий қиймати 17,2 триллион сўм (эквивалентда 1,5 миллиард доллар) бўлган 1 180 та лойиҳани амалга ошириш ва 25 мингдан зиёд янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича ҳудудий лойиҳалар шакллантирилган. Жорий йил бошидан барча манбалар ҳисобидан 137,8 млн. доллар, шу жумладан, 86,4 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредитлар ўзлаштирилган.

Юқоридагиларга асосан ва вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳалари юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Худойбердиевнинг ҳисоботини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Худойбердиевнинг вилоятда инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳалари юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Худойбердиев:

2021 йил I ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар бўйича жорий йил 5 июль кунига қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон қарори 3-иловасига асосан 2021 - 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга ошириш бўйича мониторинг ишларини олиб борсин ва ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят кенгашига ахборот киритсин.

3. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарларига:

10 (ўн) кун муддатда 2022-2024 йиллар инвестиция дастурига асослангилган лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, тақдим этиш;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 20 февралдаги 190/VI-23-сонли қарорига асосан инвестиция лойиҳаларини самарали амалга оширилишини таъминлаш, режалаштирилган инвестиция лойиҳалари бажарилишини таҳлилий ўрганиш натижалари ва амалга оширилган ишлар тўғрисида жорий йилнинг 5 июль кунига қадар халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳига ёзма ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари 10 (ўн) кун муддатда хорижий инвестиция иштирокида корхоналарни тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларга ажратилган ер майдонларида фойдаланиш самарадорлиги бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритсин.

5. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда вилоятдаги тижорат банклари 10 (ўн) кун муддатда янги шакллантирилган 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларининг тармоқ жадвалларини шакллантирсин ва тасдиқласин.

6. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари вилоятдаги тегишли бошқармалар ва вилоят тижорат банклари билан биргаликда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни тегишлиги бўйича тезкорлик билан ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этсин.

7. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига жорий йил июль ойида туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарларининг инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳалари юзасидан 2021 йил I ярим йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисоботларини эшитиш тавсия этилсин.

8. Мазкур сессия қарори ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

9. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**